

## Арузийнинг “Мажмаъ Ан-Наводир» Асаридаги Ҳикоялар Ҳақида

**Жаҳонгир Усманов<sup>1</sup>**

**Аннотация:** Мақолада Низомий Арузий Самарқандийнинг “Мажмаъ ан-наводир” асаридаги ҳикояларнинг асосий мазмуни ва қаҳрамонлари ҳақида сўз юритилади. Арузий подшо яқинларини тўртта тоифага бўлиб, уларнинг фазилатларию камчиликларини ҳикоялар мисолида кўрсатади. Ҳар бир ҳикоя олдидан ўзининг фалсафий, бадиий-эстетик фикрини билдириб ўтади.

**Калит сўзлар:** “Мажмаъ ан-наводир”, подшо, дабир, шоир, мунахжим, табиб, сарой ахллари.

### Кириш.

Низомий Арузий Самарқандий каби ўрта аср фалсафий фикр тарихида эътирофга сазовор бўлган, бугунги кунгача асарлари кам ўрганилган алломалардан бири бўлиб, унинг ҳаёт йўли ва илмий ижодини чуқур тадқиқ этиш ҳамда асарларини кенг жамоатчиликка тарғиб қилиш мухим масалалардан саналади. У мумтоз ўрта аср араб-мусулмон фалсафасининг етакчи оқими Машшайийун (Шарқ Арастучиси) вакили, забардаст файласуф олим, ўз даври ва муҳитининг ўзига хос мутафаккиридир. У XII аср 60-йилларигача бўлган мумтоз ўрта аср араб-мусулмон фалсафасининг зукко тарихчиси сифатида бугунги кунда ҳам кўплаб мамлакатлар шарқшунослари эътиборида қолаётган манба-тазкира “Нодир ҳикоялар мажлиси” (Мажмаъ ан-наводир) ёки машхур “Чаҳор мақола” асарининг муаллифидир.

Арузийнинг “Мажмаъ ан-наводир” асари 1156-1157 йилларда ёзилган бўлиб, мўғулларолди давридан бизнинг кунимизгача етиб келган форс - адабий насрининг ёзма ёдгорликларидан бири хисобланади [5, 56].

### Адабиётлар таҳлили ва методлар.

Мақолани ёзишда асосан “Мажмаъ ан-наводир” нинг 1963 йилда чоп этилган русча таржимасидан фойдаланилди. Бундан ташқари, асарнинг ўзбек тилига таржимаси 1985 йилда чоп этилган. Мавзу бугунги кунгача кам ўрганилган бўлиб, мақола муаллифи томонидан тадқиқотлар олиб борилмоқда ва бир қатор мақолалари чоп этилди.

Ишни ёзишда тизимлаштириш, таҳлил, умумлаштириш методларидан фойдаланилди.

### Натижалар.

Арузийнинг асарида ижтимоий-маиший ҳаёт, ахлоқий қарашлар, урф-одатлар ва анъаналар ҳақида қимматли маълумотлар мавжуд бўлиб, уни ўша даврнинг бетакрор ҳужжати деса бўлади, чунки унда саройдаги турмуш, шаҳар ҳаёти, саройдаги шоирлар ва ўрта аср зиёлилари ҳисобланган дабирлар, мунахжимлар, ҳакимларнинг майший турмуши ва фаолиятларига оид маълумотлар замондош томонидан унинг кўрган ва эшитганлари орқали келтирилган. Арузий ўз асарида бутун Хуросону, Эрону Мовароуннаҳр сulton, ҳоқон, амирлари, подшолари сулолалари саройларида, ҳудудларида хизмат қилган, машхур бўлган, катта шоиру-адиблар, бадиий сўз усталарининг сулолама-сулола рўйхатини (7 та сулола – Сомонийлар (8та), Ғазнавийлар (20та), Қораҳонийлар (15та), Бувайҳийлар (3та), Салжуқийлар (9та), Табаристон подшолари (5та), Шансобий-Ғурнийлар (4та), жами 64та шоирлар) номини [2,29] санаб ўтган

<sup>1</sup> Катта ўқитувчи, Тошкент кимё-технология институти Янгиер филиали



Арузий ўз даври бадиияти, адаб илми санъатлари даҳоларининг ўзига хос ўз даври ва минтақаси маданияти илм-фани, бадиияти, санъатлари тараққиётини мислсиз юксакликларга кўттарган вакилларининг “Олтин тахтаси”ни [4, 22; 3, 25-29] бизга чизиб бера олган эди [6, 135].

### **Мухокама.**

Асарнинг дебочасида ўрта асрлардаги жамиятнинг турли табақалари, шоирлар ва олимларнинг саройдаги ва жамиятдаги ўрни ҳақидаги маълумотлар келтирилган. Ҳар бир мақоланинг дебочасида эса дабирлар ва шоирлар, мунахжимлар ва табиблар фаолиятининг илмий ва ижтимоий аҳамияти асослаб берилган.

Арузийнинг асари тўртта бўлимда жамланган 12та ҳикоядан иборатdir. Мазкур ҳикоялар ҳақиқий шахслар хаёти ҳақида сўзлаб беради. Албатта, уларнинг реал таржимайи ҳолларига муаллиф томонидан ҳажвий ва профессионал ҳарактердаги кўплаб тафсилотлар қўшилган. Хусусан, шоирлар Рудакий ва Фирдавсий, олимлар Ибн Сино ва Умар Ҳайём ҳақидаги ҳикоялар тўлақонли бадиий ҳажмдаги ҳикоялар ҳисобланади.

Биринчи бўлимдаги ҳикоялар подшоҳларга энг яқин кишилар дабирлар бўлганини кўрсатади. Улар подшоҳларнинг энг сирли орзуларини энг гўзал сўзлар билан ифодалай олганлар. Сомонийлар подшоҳи Нуҳ ибн Мансурнинг дабири унинг душмани вафот этганини кўйидагича эълон қилган экан: “Мокон ўз исмига монанд бўлди”, яъни у бўлмай қолди” [1, 43]. Айрим дабирлар вазирдек юксак мансабга етиб, давлат ишлари билан шуғулланганлар. Аббосийлар саройидаги Соҳиб ибн Аббод ўз хатларида ҳарбий ишларни ҳал қилган, мансабдорларни тайинлаган ва ишдан олган. Султон Маҳмуднинг вазири Хўжа Ҳасан Маймандийнинг ишлари буюк бўлган. Дабирлар Куръон ва Ҳадисларни, адабиётни билган донолар сифатида тасвиirlанган. Подшолар ўз дабирлари ёрдамида маърифийликда баҳсолашганлар. Бу анъананинг қадимилигини таъкидлаб, Арузий замондошлари ҳақидаги мисолларни келтиради. Сўнгги ҳикоясида эса: “Ушбу воқеаларнинг барчасидан шундай хулоса чиқариш мумкинки, ақлли ва билимли дабир – подшоҳ савлат-кшркамлигининг буюк бbezакларидан ва давлат обрў-эътиборинг энг яхши таянчлариданdir”, деб ёзади [1, 54].

Иккинчи бўлимдаги ҳикояларда шоирлар ҳаёти, уларни саройга жалб қилиш йўллари ва саройдаги ҳаёт тафсилотлари келтирилади. Арузий ўзини ҳам ўз замонасининг ана шу категориядаги зиёли кишилари қаторига киритади. Шоирларни подшолар саройига авваламбор муҳтоjлик келтиради деб, тўққизинчи ҳикояда Фирдавсий ҳақидаги ҳикояни келтиради. Тўртинчи ҳикояда шоир Фарруҳий ҳаёт муҳтоjликларини қондириш учун дастлаб дехқонга, сўнгра эса Чагониён ҳукмдорларига, ва, ниҳоят, Султон Маҳмуд саройига мурожаат қиласди. Еттинчи ҳикояда шоир Маъсүд Саъд Салмон Ғазни ҳукмдорлари қамоқхоналарида умрини ўтказгани ҳақида баён қилинади. Бешинчи ҳикояда шоир Муиззийнинг сарой шеърияти чўққиларига кўтарувчи машаққатли йўл ҳақида ҳикоя қилинади. Подшоҳларнинг шоирлар билан муносабатлари, шоирнинг саройдаги ўрни ва шаъни ва обрўсини сақлаб қолиши бошқа ҳикояларда кўрсатилади.

Учинчи бўлимда Арузий подшоҳ учун дабир ва шоирлар билан бир қаторда мунахжимлар керакли кишилар бўлганигини таъкидлайди. Мунажжимларнинг ҳурмат ва обрўси уларнинг билимларига боғлиқ. Ёкуб Исҳоқ Киндий яхудий бўлган бўлсада, ўз билимлари туфайли саройда ҳурмат-эътибор қозонган. Хуллас, учинчи бўлим ҳикоялари Киндий, Беруний, Умар Ҳайём каби олимлар ҳаётига бағишланган.

Тиббиёт вакилларини ҳам Арузий саройдаги билимли кишилар қаторига киритиб, сарой табиблари қандай бўлиши кераклигини кўрсатади. Бу бўлимдаги ҳикоялар касаллар ва уларни даволаш жараёни ҳақидадир. Табиблар учта усул билан даволашади: биринчиси – доривор гиёҳлар билан, иккинчиси – таҳлил ва керакли озуқани тайинлаш билан, учинчиси – инсоний муносабатлар билан. Айниқса, машҳур олимлар Закариё Розий ва Абу Али ибн Сино ҳақидаги ҳикоялар қизиқарлидир.



Барча ҳикоялардаги марказий қаҳрамон подшодир. Арузийнинг фикрича подшо Пайғамбардан (С,А,В,) дан кейинги иккинчи шахсdir. Подшонинг фазилатлари адолатлилик, мардлик, раҳмдиллик, мамлакатни бошқаришда қатъиятлик, художўйлик, одамшавандалик ва бошқалардан иборат бўлиши керак. Бундай подшо давлат ишларини яхши ҳал қилиш учун яқин аъёнларига, уларнинг маслаҳатларига ва фикрларига таяниб иш тутади. Дабир, шоир, мунахжим ва табиб ана шундай аъёнлардир. Дабирлик ва шоирлик фалсафага, мунахжимлик математикага, тиббиёт табиатшунослик соҳасига киради [1, 36].

Дабир ўз билимларини такомилга келтириши, Қуръон ва Ҳадисларни ёддан билиши, Соҳиб, Бадиузвазмон Харирӣ, Балъамий ва бошқалар асарларига эга бўлиши керак. Яхши дабир қўпол сўз ва ибораларни ишлатмаслиги керак, тўғрисўз ва тақводор, сахий ва олийҳиммат бўлиши керак. Саройда у масъулиятли шахс бўлиб, муҳим диний ва давлат ишларини ҳал қиласди.

Шоирнинг асосий вазифаси эса, Арузийнинг фикрича, подшо исмини адабийлаштиришдан иборат. Шоир подшо исмини абадийлаштириш ва у ҳақидаги хотирани мустаҳкамлаш қобилиятига эга бўлиши керак. У турли фанларни билиши, ҳалқнинг анъаналари ва одатлари билан таниш бўлиши керак. У сарой аҳлларига хос муомала қоидаларини билиши керак. Шунингдек, у билимларини кўпайтириши, шеърий бадиҳа (экспромт) ёза олиши керак. Шоирнинг ана шу фазилатлари машҳур шоирлар ҳаётидан олинган ҳикояларда кўрсатилган.

Мунахжимлар маърифатли кишилар ва математиклар сирасига киритилади. Берунийнинг фикрича, мунахжимга тўртта фан зарур: ҳандаса, ҳисоб, космография ва юлдузлар ҳақидаги башорат, деб ездади Арузий.

Табиб сарой аҳлига хос алоҳида фазилатларга эга бўлиши қеарк. У нозик мижозга, доно юракка, зийракликка эга бўлиши керак. Подшоларни даволаш – нозик ишdir ва ҳатто хавфли бўлиши мумкин. Айрим ҳолларда даволаш маънавий, яъни психологик характерда бўлиши мумкин.

### **Хуноса.**

Низомий Арузий Самарқандийнинг асари ўз ичига дунёning тузилиши ҳақида умумий билимлар, бошқа билимлар, инсоннинг жамиятдаги ўрни ҳақидаги фикрлар, добир, шоир, мунахжим ва табибининг ҳаёти ва фаолияти ҳақидаги ҳикоялардан иборат. “Мажмаъ ан-наводир” асарида шоирлар Сомонийлардан бошлаб, ҳукмдорлар сулолаларига мансублик тамойилига қараб таснифлаштирилган дастлабки китоб ҳисобланади. Бу тамойил бўйча Авфийнинг “Лубоб ал-албоб” антологияси Низомий Арузийдан кейин 80 йил ўтгач ёзилади. Низомий Арузий Сомонийлар, Фазнавийлар, Қорахонийлар, Салжуқийлар ва Бувайхийлар давридаги 64та шоир ҳақида маълумот келтирган.

Арузий асаридаги ҳикояларнинг мазмуний асосини подшонинг ўз аъёнларига муносабати, подшо саройида маърифатли кишиларнинг ўрни ташкил қиласди. Шу асосда Арузий ўз ҳикояларида шоирлар, ёзувчилар, табиблар ва мунахжимларининг образларини яратиб, бу маълумотлар ўша замондаги турмушнинг тарихий манбаси бўлиб хизмат қилиши мумкин.

Умуман олганда, Низомий Арузий Самарқандийнинг “Мажмаъ ан-наводир” асари тарихий, илмий, фалсафий, адабий ва бадиий аҳамиятга молик бўлган материалдан иборат.

### **Адабиётлар:**

1. Низами Арузи Самарканди. Собрание редкостей или Четыре беседы. Перевод с персидского С.И.Баевского и З.Н.Ворожейкиной. Под общ.ред. А.Н.Болдырева. – М.: ИВЛ, 1963.
2. Низомий Арузий Самарқандий. Нодир ҳикоялар. Т., 1985.
3. Зоҳидий А. “Бойсунғур Академияси” ва унинг Марказий Осиё ҳалқлари маданияти тараққиётидаги ўрни // ”Мустақиллик йилларида ижодий кадрларни тайёрлашнинг долзарб масалалари” мавзусидаги илмий-амалий конференция материаллари. Т., 2004. 25-29 бб.



4. Письмо Проф., д.ф. А.З.В.Тогана к профессору Фозил Бекбулат Соли угли (проф. П.Солиев) // Новая страница из жизни А.З.Валиди (Тогана). TokyoJapan, 2001, p.22. Русский текст перевода письма проф. А.З.В.Тогана осуществлен к.филос.н. Абдулкадыром Захиди. – Islamic Area studies Preject, Sentral Asian Research Series. №3. Tokyo-Japan, 2001. 50 pp.
5. Усманов Ж. Арузийнинг “Мажмаъ ан-наводир” асари – фалсафа тарихи ва маданиятишунослик бўйича манба сифатида // Ўзбекистоннинг мустақиллик давридаги янги тарихи ва фалсафий тафаккурининг долзарб муаммолари. Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. Самарқанд: СамДЧТИ, 2022. – 392 бет. – Б.56-58.
6. „Turkiy xalqlar filologiyasida fundamental tadqiqotlar va innovatsion ta’lim texnologiyalari“ mavzusidagi xalqaro ilmiyamaliy anjuman materiallari to‘plami. (2022-yil 10-novabr. – Nukus: Nukus DPI bosmaxonasi, 2022.

